

**ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ**

**НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ТОМОНИДАН  
ТЕКШИРУВ ЎТҚАЗИШ ЖАРАЁНИ:**

**ТАДБИРКОР ХУҚУҚ  
ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**ОБЯЗАТЕЛЬНЫЙ  
ЭКЗЕМПЛЯР**

**ТОШКЕНТ — «NORMA» — 2013**

УДК: 346.26

ББК 67.404

Т 12

*Ўзбекистон Республикаси*

Лойиха раҳбари: **А. Э. Шайхов**, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси.


Муаллиф: **Ж. Қ. Ҳайдаров**, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектлари мурожаатлари ва фаолиятини текширишни мониторинг қилиш Маркази директори.

**Назорат қилувчи органлар томонидан текширув ўтказиш жараёни: тадбиркор ҳуқуқ ва мажбуриятлари.**  
Т 12 / **Ж.Қ.Ҳайдаров**; лойиха раҳбари **А.Э.Шайхов**; Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси - . Тошкент : "Norma", 2013, 28 б.

ISBN 978-9943-21-021-9

Нашр тадбиркорлик фаолиятини юритишнинг долзарб масалалари юзасидан тадбиркорларга маслаҳат бериш ва уларнинг текширишларга оид амалий билимларини кенгайтириш мақсадида ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари бухгалтерлари ҳамда ёш тадбиркорлар амалда фойдаланиши учун тавсия этилади.



HD 41588  
091

УДК: 346.26

ББК 67.404

Нашрнинг электрон нусхасини Савдо-саноат палатасининг [www.chamber.uz](http://www.chamber.uz) веб-саҳифасида топишингиз мумкин.

© «NORMA» нашриёти, 2013

© Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, 2013

ISBN 978-9943-21-021-9

*“Тадбиркорлар фаолиятига ноҳолис,  
тирноқ остидан кир қидириш кайфияти би-  
лан қарашдан бутунлай воз кечиш, аксинча,  
уларнинг манфаатлари ва қонуний ҳуқуқлари  
ҳимоясини тўла таъминлаш фурсати етди.”*

*И.А. Каримов,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

## ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР!

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун янги имкониятларни очиб бермоқда дейишга тўла ҳақлимиз.

Маълумки, тадбиркор ўз фаолиятини таваккалчилик асосида амалга оширади. Бозор иқтисодиёти ва тадбиркорликнинг негизи бўлган хусусий мулкнинг дахлсизлиги ва кафолатлари давлат томонидан таъминланиши ўта муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”да таъкидланганидек, биринчи навбатда, хусусий мулкнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришимиз ва ҳимоясини мустаҳкамлашимиз, жумладан унинг қонуний йўл билан топган ёки яратган мулкнинг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратишимиз зарур.

Бу борадаги ишларнинг муҳим йўналиши тадбиркорлик фаолиятига давлат органлари томонидан аралashiни чеклаш ва тартибга солишдан иборатдир. Ушбу масаланинг ечими эса тадбиркорларга мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларини самарали амалга ошириш имкониятини яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ташаббуси билан кўплаб ҳуқуқий асосларнинг яратилиши, шунингдек, назорат қилувчи органлар ишини тартибга солиш учун **Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш** (кейинги ўринларда – **Кенгаш**) ва унинг **худудий комиссияларининг** ташкил этилганлиги ўтказиладиган текширишларни



тартибга солиш, улар сонининг кескин камайиши учун замин бўлиб хизмат қилмоқда десак муболага бўлмайди.

Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари амалда ҳимоя қилиниши кўп жиҳатдан уларнинг **ҳуқуқий билим даражаси**, яъни молия-хўжалик фаолиятини юритишни тартибга солувчи турли хил **тартиб-қоидалар, меъёрлар ва талабларни қай даражада билиши ва қўллаши** билан бевосита боғлиқ бўлмоқда.

Мазкур қўлланма ёрдамида тадбиркорлар текшириш турлари, уларнинг ўтказилиш муддатлари, текширувларни ўтказиш учун асос бўлувчи ҳужжатлар билан бирга, молия-хўжалик фаолияти текширувларида аниқланган хато-камчиликлар бўйича қўлланилиши мумкин бўлган таъсир чоралари тўғрисида тасаввурга эга бўладилар деган умиддамиз.

*Алишер Шайхов,  
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси*

## ТЕКШИРУВ ТУРЛАРИ

**Текшириш** – хўжалик юритувчи субъектлар томонидан конунлар ҳамда ўз фаолиятини тартибга солувчи бошқа конун ҳужжатлари қандай бажарилаётганлигини назорат қилувчи органларнинг бир марта назорат қилиши.

**Комплекс текшириш** – бир вақтнинг ўзида икки ва ундан ортиқ текширувчи органлар томонидан ўтказиладиган текшириш.

**Молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш)** – солиқ ва валюта тўғрисидаги конун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳамда бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва таққослаш.

**Режадан ташқари текшириш** – текширувчилар томонидан конун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва ҳолларда амалга ошириладиган йиллик (чораклик) текширишлар режа-жадвалига киритилмаган текшириш (шу жумладан, қисқа муддатли текшириш).

**Қисқа муддатли текшириш** – текширувчилар томонидан 1 иш куни давомида ўтказиладиган ва тадбиркорларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган текширув.

**Муқобил текшириш** – операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғлиқ бўлган ва турли тадбиркорлардаги ёки бир тадбиркорнинг турли бўлинмаларидаги ҳужжатларни таққослашдан иборат текшириш.

**Солиқ текшируви** – солиқ тўғрисидаги конун ҳужжатларининг бажарилиши устидан давлат солиқ хизмати органлари томонидан, конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса прокуратура органлари томонидан ўтказиладиган текшириш.

**Камерал назорат** – солиқ тўловчи томонидан белгиланган тартибда тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботини, шунингдек солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати органидаги мавжуд бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида ўтказиладиган назорат.



Назорат тартибида текшириш – тадбиркорларнинг олдинги текширишда аниқланган (кўрсатилган) қоидабузарликларни бартараф этганлиги устидан текширувчилар томонидан ўтказиладиган текшириш.

“Текширишларни рўйхатга олиш китоби” – ўтказилган текширишлар тўғрисидаги ахборот ёзиб қўйиладиган махсус дафтар.



## ТЕКШИРУВЛАРГА АСОС БУЛУВЧИ ҲУЖЖАТЛАР

Текширув тури	Ҳужжат номи	Кўшимча маълумот
Режали (ABC+1, 2, 3)	Режа-жадвалдан кўчирма	A Кенгаш ёки унинг ҳудудий комиссияси томонидан тегишли имзо ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда берилади
	Буйруқ	B Назорат қилувчи орган раҳбарининг имзоси билан режа-жадвалдан кўчирма асосида текшириш мақсади, текширувчилар таркиби ва текширув ўтказиш муддати кўрсатилган ҳолда чиқарилади
	Дастур	C Кенгаш билан келишилган тарзда назорат қилувчи орган раҳбари ёки ўринбосари томонидан текшириш объектлари аниқ кўрсатилган ҳолда тасдиқланади
Режадан ташқари / Муқобил (BCD+1, 2, 3)	Қарор	D Кенгаш ёки ҳудудий комиссиялар томонидан қарор ёки хат шаклида расмийлаштирилиб, тегишлича Кенгаш раиси (ўринбосар) ёки вилоят комиссияси раиси томонидан тасдиқланади. Тадбиркорлик субъекти номи, текшириш ўтказиш мақсади, муддати ва сабаблари асослилиги кўрсатилган бўлиши лозим.

Текширув тури	Хужжат номи	Қўшимча маълумот
Барча турдаги текширув	Хизмат гувоҳномаси	 <p>Гувоҳноманинг амал қилиш муддати аниқ кўрсатилган ҳолда назорат қилувчи орган раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан тасдиқланади</p>
	Махсус гувоҳнома	 <p>Текширишда факатгина аттестациядан ўтказилган, махсус гувоҳномага эга мансабдор шахслар иштирок этади.</p> <p>Гувоҳнома аттестация комиссиясининг қарори ва амал қилиш муддати кўрсатилган ҳолда назорат қилувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланади</p>
	Шартнома нусхаси	<p>Текширувга жалб қилинган назорат органи ва аудиторлик ташкилоти ёки мустақил эксперт ўртасида тузилган шартнома</p>

## НИМАЛАРНИ БИЛИШ МУҲИМ?



ТЕКШИРУВЧИ

ТАДБИРКОР






### ТЕКШИРУВ БОШЛАНИШИДАН ОЛДИН



Текширувчи режали текширув ўтказилиши ҳақида текширув бошланишидан олдин тадбиркорни текширув ўтказиш муддатлари ва дастури(предмети)ни кўрсатган ҳолда хабардор қилиши шарт

30 календарь кун олдин ёзма шаклда





	<p><b>Тадбиркор ўз фаолиятида режали текширув қайси ойда ва қайси назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилишининг белгиланганлиги тўғрисидаги маълумотларни билиб олиши мумкин</b></p>	<p><b>www.soliq.uz</b> сайти, <b>+998 71 232-09-07</b> телефони, <b>“UzSAT”</b> мобил дастури орқали</p>
  	<p>Текширувчилар томонидан ўтказиладиган <b>текшириш муддати</b> (алоҳида ҳолларда <i>Кенгаш қарори ёки хати билан бу муддат кўпи билан яна 30 кунга узайтирилиши мумкин, бунда ушбу қоида кичик тадбиркорлик субъектларига нисбатан татбиқ этилмайди</i>).</p>	<p><b>30 календарь кун</b></p>

**Молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар:**




<p>Микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларида</p>	<p>Кўпи билан <b>4 йилда 1 марта ўтказилади</b></p>
<p>Бошқа тадбиркорлик субъектларида</p>	<p>Кўпи билан <b>3 йилда 1 марта ўтказилади</b></p>
<p>Янги ташкил этилган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларида</p>	<p>Улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки <b>3 йил мобайнида ўтказилмайди</b></p>
<p>Акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқарувчи янги ташкил этилган кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари, шунингдек кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжалиklarининг бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолиятини текшириш</p>	<p>Улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки <b>2 йил мобайнида ўтказилмайди</b></p>

**Молия-хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлмаган режали текширишлар:**


<p>Хусусий корхоналарда</p>	<p>Кўпи билан <b>2 йилда 1 марта ўтказилади</b></p>
<p>Белгиланган меъёрлар ва коидаларга ўз вақтида ҳамда тўла риоя этувчи тадбиркорларда</p>	<p>Кўпи билан <b>2 йилда 1 марта ўтказилади</b></p>
<p>Бошқа хўжалик юритувчи субъектларда</p>	<p>Кўпи билан <b>1 йилда 1 марта ўтказилади</b></p>


 	<p>Режадан ташқари қисқа муддатли текшириш ўтказиш муддати</p> <p>Тадбиркорлар фаолиятида ўтказиладиган ҳар қандай текширув</p> <p>Якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятида назорат қилувчи органлар томонидан текширув ўтказиш муддати</p> <p>Солиқ текшируви билан камраб олиниши мумкин бўлган давр</p> <p><i>(аммо, 5 календарь йили оралиғида солиқ идоралари томонидан текширув ўтказилган бўлса, солиқ идораси ходими охириги текширилган йилгача бўлган даврдан кейинги йиллардаги фаолиятини текшириши лозим, яъни текширилган давр қайта текширувдан ўтказилмайди)</i></p>	<p>1 иш кунидан ошмайди</p> <p>Хўжалик юритувчи субъектнинг локал ҳужжатлари билан белгиланган иш вақти тугашига қадар тугатилиши шарт</p> <p>1 кун давомида</p> <p>Текширув ўтказилаётган йилдан бевосита олдинги кўпи билан 5 календарь йилдаги фаолият.</p>
---	---	--

### ТЕКШИРУВ ЎТКАЗИЛАЁТГАН ЖАРАЁНДА


	<p>“Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ Палата аъзоси назорат қилувчи органлар томонидан унинг фаолиятида ўтказиладиган ҳар қандай текширувларда Палата ходимини жалб қилиш</p>	<p>Ҳуқуқига эга</p>
 	<p>Текширувда назорат қилувчи органнинг фақат буйруқда кўрсатилган мансабдор шахслари</p>	<p>Иштирок этиши лозим</p>







	<p>Тадбиркор буйруқда курсатилмаган бошқа шахсларни текширишга киритмаслик</p>		<p>Хуқуқига эга</p>
	<p>Текширувчи тадбиркорни текшириш бошланишидан олдин текшириш предмети, мақсади ва шартлари билан</p>		<p>Таништириши шарт</p>
	<p>Текширувчилар текшириш учун асос бўлган барча ҳужжат нусхаларини тадбиркорга текширув бошланишидан олдин</p>		<p>Тилхат асосида тақдим этиши шарт</p>
	<p>Текширувчилар “Текширишларни рўйхатга олиш китоби”ни текшириш бошланишидан олдин</p>		<p>Тўлдириши шарт</p>
	<p>Текширувчи “Текширишларни рўйхатга олиш китоби”ни тўлдиришдан бош тортса, тадбиркор текширувчиларни</p>		<p>Текширишга киритмаслик хуқуқига эга</p>
 	<p>“Текширишларни рўйхатга олиш китоби”да текширувчи ёки тадбиркор томонидан ўчириб ёзиш ёки бўяш</p>		<p>Тақиқланади</p>
	<p>Тадбиркорлик субъекти раҳбари (ёки раҳбар вазифасини бажарувчи) “Текширишларни рўйхатга олиш китоби”да қайд килинган ёзувлар тўғрилигини сана ва вақтни курсатган ҳолда ўзининг имзоси билан тасдиқлаши</p>		<p>Шарт</p>
	<p>Текширувларда текширув натижасидан манфаатдор бўлган, вояга етмаган жисмоний шахслар ҳолислар сифатида жалб этилиши</p>		<p>Тақиқланади</p>
	<p>Ҳолисларнинг текшириш жараёнида текширувчи ёки тадбиркорга қўмақлашиши</p>		<p>Ман этилади</p>

 	<p>Текширув давомида текширувчиларнинг қонуний талаблари тадбиркор томонидан сўзсиз бажарилиши</p> 	Шарт
	<p>Тадбиркор текширувчиларни текшириш дастурига таваддиқли бўлмаган ҳар қандай материаллар билан</p> <p>Тадбиркор текширувчиларнинг ваколатига қирмайдиган масалалар бўйича ҳар қандай талабларини</p>	<p>Таништир-маслик ҳуқуқига эга</p> <p>Бажармаслик ҳуқуқига эга</p>
	<p>Тадбиркор фаолиятини тўхтатиб қўйишга олиб келадиган ҳужжатлар ва предметларни суд қарорисиз олиб қўйиш</p> <p>Текширув натижаси тўғрисидаги далолатнома 3 нусхада тузилади, унинг 1 нусхаси тадбиркорга тақдим этилиши (қолган бир нусхаси текширувчида, иккинчиси эса текширувни ўтказган идорада сақланади)</p> <p>Текширувчи томонидан текширув натижаси тўғрисидаги далолатномада ҳужжатлар билан тасдиқланмаган маълумот ва хулосаларни келтириш, сўзларни қисқартириб ёзиш</p> 	<p>Тақиқланади</p> <p>Шарт</p> <p>Тақиқланади</p>
	<p>Ҳўжалик субъекти текширув натижаси бўйича далолатнома билан танишиб, уни имзолайди. Тадбиркорнинг солиқ текшируви натижаси тўғрисидаги далолатномадаги имзоси унинг солиқ текшируви натижаларидан</p>	<p>Рози эканлигини аниқлатмайди</p>

	Солиқ ва (ёки) молиявий ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ҳам <b>15 кун</b> ичида тадбиркор – юридик шахс томонидан <b>ҳисоботлар тақдим этилмаганда</b>	Тадбиркорнинг <b>банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш</b> давлат солиқ хизмати органларининг қарорлари асосида амалга оширилиши мумкин
	Тадбиркор – юридик шахс <b>курсатилган манзилда бўлмаслиги аниқланганда</b>	
	Солиқ текширувини ўтказишга <b>тўсқинлик қилинган</b> ёки давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахсларининг даромадлар олиш учун фойдаланилаётган ёки солиқ солиш объектини сақлаш билан боғлиқ <b>ҳудудлар, бинолар, шу жумладан жойларни кўздан кечириш</b> учун кириши тадбиркорлик субъекти томонидан <b>рад этилган ҳолларда</b>	Тадбиркорнинг <b>банклардаги ҳисобварақлари бўйича операциялар</b> суд қарори асосида <b>тўхтатилади</b>

### ТЕКШИРУВ ТУГАГАНДАН КЕЙИН

	Солиқ хизмати органида текширув материалларини <b>рўйхатдан ўтказиш муддати</b>	Текширув тугаган кундан <b>кейинги</b> иш кунидан <b>кечиктирмасдан</b>
	Текширув материалларининг солиқ хизмати органи раҳбари ( <i>ёки раҳбар ўринбосари</i> ) томонидан <b>кўриб чиқишиш муддати</b>	Текширув тугаган кундан <b>эътиборан 10 иш куни ўтгач (15 иш кунидан кечиктирмасдан)</b>
	Солиқ хизмати органи текширув материалларини <b>кўриб чиқиш санаси, вақти ва жойи туғрисида тадбиркорни хабардор қилиш муддати</b>	Текширув материалларини <b>кўриб чиқишдан камида 2 иш куни олдин</b>

	<p>Солиқ текшируви материалларини кўриб чиққан мансабдор шахс, шунингдек уларни кўриб чиқишда иштирок этган бошқа шахслар томонидан</p>	<p>Солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш баённомаси имзоланади</p>
	<p>Тадбиркор томонидан текширув натижаси бўйича тузилган далолатнома хақида ёзма тушунтириш ёки эътирозларни такдим этиш муддати <i>(мазкур ҳолда солиқ текшируви материаллари тадбиркорнинг мансабдор шахслари иштирокида кўриб чиқилади)</i></p>	<p>Солиқ текшируви тугаган кундан бошлаб 10 иш куни давомида</p>
	<p>Солиқ хизмати органи раҳбари <i>(ёки раҳбар ўринбосари)</i> томонидан текширув натижаси тўғрисидаги қарорни қабул қилиш муддати</p>	<p>Текширув материаллари кўриб чиқилгандан кейин 5 иш куни давомида</p>
 <p>Солиқ текшируви материаллари натижаси бўйича қарорни тадбиркорга топшириш муддати <i>(қарор нусхасини топширишнинг имкони бўлмаса, у тадбиркорга солиқ идораси томонидан почта орқали буюртма хат билан жўнатилади ва жўнатилганидан эътиборан 3 кун ўтгач топширилган ҳисобланади)</i></p>	<p>Тасдиқланган кундан бошлаб 2 иш куни давомида</p>	
 	<p>Текширувчининг тадбиркорни текширув натижасида аниқланган ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорни текширув далолатномасига асосланиб тийёрланмаган бўлса</p>	<p>Қарорни “Ҳақиқий эмас” деб топиш ёки молиявий санкция қўллашни “Рад этиш” учун асос бўлади</p>
	<p>Текширув натижаси (якуни) бўйича текширувчи томонидан далолатнома тузилмаган бўлса</p>	<p>“Ҳуқуқбузарлик аниқланмаган” ҳисобланади</p>

	<p><b>Тадбиркор қарорда курсатилган соликка оид ҳуқуқбузарликларни бартараф этса, қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий туловлар ва уларга нисбатан ҳисобланган пеняларни белгиланган муддатда тўласа</b>  <i>(мазкур меъёр товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумни яшириш (камайтириш) ва қирим қилинмаган товарларни сақлаш, фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланилиш тартибини бузиш, шунингдек лицензиясиз фаолият билан шуғулланиш ҳалларига татбиқ этилмайди)</i></p>	<p><b>Қарор жарима қўллаш қисмида бекор қилинган ҳисобланади</b></p>
	<p>Текширувда ҳолис сифатида текширув натижасидан манфаатдор бўлган шахслар, вояга етмаганлар иштирок этса, ҳолислар текшириш жараёнида текширувчи ёки тадбиркорга қўмақлашса, текширув даврида текширувчи томонидан аниқланган барча далиллар ҳўжалик суди томонидан</p> 	<p><b>Инобатга олинмайди</b></p>
	<p>Тадбиркорнинг ҳуқуқбузарлик асосида топган товар-моддий бойликларини давлат даромадига ўтказиш</p>	<p><b>Факат суд қарори билан амалга оширилади</b></p>
	<p>Ҳужжатлар ва предметларни тунги вақтда (соат 23:00 дан 6:00 гача) олиб қўйиш</p> <p>Текширувчи текширувни олиб бориш тартиб-қоидаларини бузса</p>	<p><b>Мян этилади</b></p> <p><b>Қонун бўйича жавобгарликка тортилади</b></p>



Юкорида келтирилган тартиб-қоидалар бузилган тақдирда, шу билан бирга назорат қилувчи органлар хатти-ҳаракатларидан норози бўлсангиз, Савдо-саноат палатасининг “Ишонч телефонлари”га қўнғироқ қилинг.

Телефон: +998 71 232-09-07 – Мониторинг Маркази  
 +998 71 150-60-06 – “Call-center” Маслаҳат Маркази  
 Факс: +998 71 232-09-03  
 Электрон почта: monitoring@chamber.uz  
 Веб-сайт: www.chamber.uz  
 +998 71 233-24-01 –  
 “SSP-Marqand”  
 унитар корхонаси  
 +998 71 150-60-06 –  
 “Call-center”  
 Маслаҳат Маркази



## ТАНЛАНМА ТАҲЛИЛ НАТИЖАСИ ШУНИ КўРСАТДИКИ...

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Тadbиркорлик субъектлари мурожаатлари ва улар фаолиятини текширишни мониторинг қилиш маркази (кейинги ўринларда – Мониторинг маркази) ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда солиқ идоралари томонидан корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти бўйича ўтказилган текширувлар натижаларини танланма тарзда ўрганиб чиқди.

Ўрганиш натижалари аксарият тadbиркорлик субъектлари корхона бухгалтериясида ягона солиқ тўлови, мажбурий суғурта бадали, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи каби солиқ ҳамда мажбурий ажратмаларни арифметик нотўғри ҳисоблаш ёки солиқ ставкаларини нотўғри қўллаш сингари хато-камчиликларга йўл қўяётганлиги ва бу нуқсонлар уларни жаримага тортишга сабаб бўлаётганлиги, шу билан бирга солиқ соҳасига тегишли қонун ва қонуности ҳужжатларини билмасликлари ва/ёки уларни нотўғри қўллаш, талқин қилишларини кўрсатди.



Бу эса корхоналарда муқим бухгалтерия хизмати етарли даражада ва белгиланган тартибда йўлга қўйилмаганлигидан далолат беради.

Натижалар шунни кўрсатдики, танланма тарзда олинган тадбиркорлик субъектлари фаолиятида асосан қуйидаги хатокамчиликларга йўл қўйилган:

Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақидан олинадиган даромад солиғининг нотўғри ҳисоб-китоб қилиниши	59% тадбиркорда
Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ўз вақтида тўланмаганлиги оқибатида келиб чиққан пеня бўйича қарздорлик мавжудлиги	56%да
Ягона солиқ тўловининг нотўғри ҳисоб-китоб қилиниши	53%да
Бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тўловларининг нотўғри ҳисобланиши	50%да
Ягона ижтимоий тўлов ва мажбурий сугурта бадалининг нотўғри ҳисобланиши	32,3% да
Солиқ ва мажбурий тўловларни ҳисоблашда ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини инобатга олмаслик ҳоллари	20,6% да
Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобваарақларига бадалларнинг нотўғри ҳисобланиши	17,7%да
Бюджет олдидаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўз вақтида тўланмаслиги (солиқ қарздорлиги)	14,8%да
Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг мавжудлиги	14,7%да
Қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиқларининг нотўғри ҳисобланиши	11,8%да
Савдо тушумини назорат-касса машинасига кириш қилмаслик	8,9%да
Солиқ органларига ҳисобот ва ҳисоб-китобларни ўз вақтида ва ўрнатилган тартибда топширмаслик	8,9%да
Бухгалтерия ҳужжатлари бўйича товар-моддий бойликлар ва асосий воситалар қолдиғи билан уларни ҳақиқатда инвентаризация қилинишида фарқ юзага келиши	8,9%да
Нazorat-касса машиналарига кириш қилинган пул билан ҳақиқатда банкка инкассация қилинган нақд пул орасида фарқнинг юзага келиши	5,9%да

**ТАВСИЯ: СИЗНИНГ КОРХОНАНГИЗДА ЮҚОРИДАГИ ҲОЛАТЛАР БЎЙИЧА АҲВОЛ ҚАНДАЙ ЭКАНЛИГИГА БУГУНДАН ЭЪТИБОР БЕРИНГ!**

2013/10

А8/83

Alisher Navoiy

nomidagi

O'zbekiston MK

7

## КОНУН БУЗИЛИШИ ҲОЛАТЛАРИГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАНГАН ТАЪСИР ЧОРАЛАРИ

Юкоридаги ракамлардан кўришиб турибдики, тадбиркорлик субъекти раҳбари ёки бош бухгалтерининг эътиборсизлиги таъсир чоралари қўлланилиши (жаримага тортилиши)га сабаб бўлмоқда.

Тадбиркор солиқларни, тўловларни ва пеняни тўламаса ёки тўлашни рад этса, давлат солиқ органи ушбу суммаларни мажбурий равишда ундириш чораларини кўради, яъни уларни суд орқали ундириши мумкин.



**Ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун тадбиркорга қуйидаги жазо чоралари қўлланилиши мумкин:**

### **МАЪМУРИЙ ЖАЗО чоралари:**

- жарима қўллаш;
- маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш;
- маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш.

### **МОЛИЯВИЙ ЖАЗО чоралари:**

- жарима қўллаш;
- пеня ҳисоблаш.

**Молиявий жазо чоралари (санкциялар)** фақат корхоналар ва яққа тартибдаги тадбиркорларга суд томонидан қўлланилади (*солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддати ўтказиб юборилганлиги учун пеня ҳисоблаш. тадбиркор содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбини тан олган ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаган ҳоллар бундан мустасно*).

Тадбиркор солиққа оид ҳуқуқбузарликларни содир этганликдаги айбини тан олганда, у қарор нусхасини олган кундан бошлаб 5 иш кунидан кечиктирмасдан давлат солиқ хизмати органига жаримани ихтиёрий равишда тўлаш учун зарур бўлган муддатни бериш тўғрисида муурожаат қилади.

Жарима қўллаш тўғрисида қарорни қабул қилган давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари аризани олган кундан эътиборан 2 иш кунидан кечиктирмасдан тадбиркор томонидан сўралган муддатни бериш тўғрисида қарор қабул қилади. Қарорнинг нусхаси тадбиркорга тилхат олиш ёки бошқа усул орқали топширилади. Агар тадбиркорга қарор нусхасини бундай усуллар орқали топшириш имкони бўлмаса, қарор почта орқали буюртма хат билан жўнатилади ва жўнатилганидан 3 кун ўтгач, топширилган ҳисобланади.

Тадбиркорлар талабига асосан, солиқ идоралари томонидан ўтказиладиган молия-хўжалик фаолияти текширувларида аниқланган хато-камчиликлар такрорланишининг олдини олиш, шу билан бирга уларнинг конун доирасида фаолият юритишга эътиборини янада кучайтириш мақсадида қонунбузилиш ҳолатларига нисбатан белгиланган таъсир чоралари тўғрисида қисқача маълумот берилмоқда:

Давлат солиқ хизмати органида ҳисобга туришдан бўйин товлаш



энг кам иш ҳақининг  
тўл 50, тах 100  
баравари миқдориди  
**ЖАРИМА**

Тадбиркорнинг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентининг (бир вақтнинг ўзиди давлат солиқ хизмати органларида ва давлат статистикаси органларида ҳисобга қўйилган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказиладиган тадбиркорлар бундан мустасно) давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга туришдан бўйин товлаши куйидаги миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади:

- ❖ агар фаолият кўпи билан 30 кун амалга оширилган бўлса – энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдориди жарима (бирок бундай фаолият натижасиди олинган соф тушумнинг 10%идан кам бўлмаган миқдорда);
- ❖ агар фаолият 30 кундан ортик амалга оширилган бўлса – энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдориди жарима (бирок бундай фаолият натижасиди олинган соф тушумнинг 50%идан кам бўлмаган миқдорда).

Тадбиркорнинг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентининг давлат солиқ хизмати органида объектлар

**бўйича ҳисобга туришдан бўйин товлаши** куйидаги миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади:

❖ агар ҳисобга туриш бўйича белгиланган муддатдан кўпи билан **30 кун** ўтган бўлса – энг кам иш ҳақининг **50 баравари** миқдорида жарима;

❖ агар ҳисобга туриш бўйича белгиланган муддатдан **30 кундан ортик** ўтган бўлса – энг кам иш ҳақининг **100 баравари** миқдорида жарима.

**Товарларни кирим қилмасдан сақлаш ёки уларни реализация қилишдан тушган тушумларни яшириш**

*кирим қилинмаган товар қиймати ёки яширилган тушум суммасига тенг миқдорда*  
**ЖАРИМА**

Кирим қилинмаган товарларни **сақлаш** (*уларнинг қонуний келиб чиқиши тасдиқланган ҳоллар бундан мустасно*) ёки товарларни (*ишларни, хизматларни*) реализация қилишдан **тушган тушумларни яшириш** (*камайтириб кўрсатиш*) куйидаги миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади:

❖ кирим қилинмаган **товар қиймати ёки яширилган** (*камайтириб кўрсатилган*) тушум суммасига **тенг миқдорда** жарима.

**!** *Яширилган (камайтириб кўрсатилган) тушум суммаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш мақсадидан ҳисобга олинмайди ҳамда мазкур солиққа оид ҳуқуқбузарлик юзасидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.*

**Куйидаги ҳолатлар** товарларни (*ишларни, хизматларни*) реализация қилишдан тушган **ТУШУМНИ ЯШИРИШ** (*камайтириб кўрсатиш*) **деб тушунилади:**

- товарлар (*ишлар, хизматлар*) реализация қилинганлиги ҳолатлари ҳужжат билан тасдиқланганда товарларни (*ишларни, хизматларни*) реализация қилишдан тушган тушум суммасининг ҳисобга олиш регистрларида акс эттирилмаганлиги;
- товарлар (*ишлар, хизматлар*) реализация қилинганлигидан далолат берувчи ҳужжатларнинг алмаштирилганлиги, сохталаштирилганлиги ёки йўқ қилинганлиги;
- ҳисобда реализация қилинмаган деб кўрсатилган товарларнинг омборда ёки реализация қилиш жойида мавжуд эмаслиги.

## Солиқ ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиш

муддати ўтказиб юборилган ҳар 1 кун учун 1% миқдорда **ЖАРИМА**



Солиқ тўловчи - жисмоний шахсга ёки солиқ тўловчининг мансабдор шахсига нисбатан маъмурий жазо қўлланилганидан кейин 1 йил ичида такроран содир этилган солиқ ҳисоботини ўз вақтида тақдим этмаганлик ёки камерал назорат натижалари бўйича аниқланган тафовутлар асосларини ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда тақдим этмаганлик қуйидаги миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади:

❖ муддати ўтказиб юборилган ҳар 1 кун учун 1% миқдорда жарима

*(бирок белгиланган тўлов муддатида тўланиши лозим бўлган тўлов миқдоридан тегишли ҳисобот даври учун илгари ҳисобланган тўловлар чегириб ташланган сумманинг 10%идан кўп бўлмаган миқдорда).*


## Бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини бузиш

энг кам иш ҳақининг тах 50 баравари миқдоридан кўп бўлмаган миқдорда **ЖАРИМА**



Бухгалтерия ҳисобининг йўқлиги ёки бухгалтерия ҳисобини белгиланган тартибни бузган ҳолда юритганлик оқибатида, ҳисобланиши лозим бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини аниқлаб бўлмаслик ҳолатига олиб келганда қуйидаги миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади:

❖ тадбиркорга нисбатан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг миқдорини аниқлаш имконияти бўлмаган даврда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум миқдорининг 1%и миқдорда жарима (бирок энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдоридан кўп бўлмаган миқдорда).

 Тадбиркорнинг белгиланган жаримани тўлаганлиги бухгалтерия ҳисобини тиклаш мажбуриятидан озод қилмайди.

**Фаолият билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланиш**

**!** энг кам иш ҳақининг  
50 бараваридан  
кам бўлмаган миқдорда  
**ЖАРИМА**

Фаолиятнинг айрим турлари билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланиш куйидаги миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади:

❖ шуғулланиш даврида олинган соф фойда миқдоридан, бироқ энг кам иш ҳақининг 50 бараваридан кам бўлмаган миқдорда жарима.

**Ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштириш тартибларини бузиш**

**!** қўшилган қиймат солиғи суммасининг  
20%и миқдоридан  
**ЖАРИМА**

Қўшилган қиймат солиғи солинмайдиган товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишда, шунингдек қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлмаган маҳсулот етказиб берувчилар томонидан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишда қўшилган қиймат солиғини ҳисобварақ-фактурада акс эттирганлик куйидаги миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади:

❖ маҳсулот етказиб берувчиларга ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган қўшилган қиймат солиғи суммасининг 20%и миқдоридан жарима.

Бунда маҳсулот етказиб берувчи ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган солиқ суммасини бюджетга тўлаши шарт. Товарларни (ишларни, хизматларни) сотиб олувчиларга нисбатан жарима солиш қўлланилмайди, улар қўшилган қиймат солиғи бўйича бюджет билан қайта ҳисоб-китоб қилмайди.

**Фискал хотирали назорат-касса машиналаридан ва тўлов терминалидан фойдаланиш тартибини бузиш**

**!** энг кам иш ҳақининг  
тўлими 30, тах 200  
баравари миқдоридан  
**ЖАРИМА**

Фискал хотирали назорат-касса машиналарини ва (ёки) тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини ишлатиш мажбурий бўлганда,

уларни ишлатмасдан савдо қилиш ва хизматлар кўрсатиш, шунингдек, сотиб олувчига квитанциялар ёзиб бериш, талонлар, чеклар ёки уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни бериш мажбурий бўлган ҳолда бундай ҳужжатларни бермасдан товарларни реализация қилганлик ва хизматлар кўрсатганлик қуйидаги миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади:

❖ энг кам иш ҳақининг 30 бараваридан 50 бараваригача миқдорда жарима.

Юқоридаги ҳолат жарима қўлланилганидан кейин 1 йил ичида қайта содир этилганда қуйидаги миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади:

❖ энг кам иш ҳақининг 75 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима.

Техник талабларга жавоб бермайдиган назорат-касса машиналаридан фойдаланиш ёки фискал хотирасининг хизмат кўрсатиш дастури бузилган назорат-касса машиналаридан фойдаланиш, шунингдек пластик карточкалар асосида тўловларни қабул қилишни рад этиш қуйидаги миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади:

❖ энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдорида жарима.

Юқоридаги ҳолат жарима қўлланилганидан кейин 1 йил ичида қайта содир этилганда қуйидаги миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади:


❖ энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдорида жарима.

**Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузиш**

ҳар 1 кун учун 0,05%  
(микрофирма ва кичик  
корхоналар учун 0,033%)  
**ПЕНЯ**

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузиш қуйидаги миқдорда пеня ҳисобланишига сабаб бўлади:

❖ тўловнинг белгиланган муддатидан кейинги кундан эътиборан муддати ўтказиб юборилган ҳар 1 кун учун (тўлов куни ҳам шунга кирази) 0,05% (микрофирма ва кичик корхоналар учун 0,033%) миқдорида пеня ҳисобланади.

 Бунда бошқа солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича ортиқча тўланган суммага тенг бўлган қарз суммасига пеня ҳисобланмайди. Пеня миқдори тегишли солиқлар ва бошқа

мажбурий туловлар бўйича қарз суммасидан ошиб кетиши мумкин эмас. Пеня ундирилиши тадбиркорни солиқ мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

**Ер участкаларидан уларга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларсиз фойдаланиш**



белгиланган ер солиғи суммасининг 1,5 бараваридан 2 бараваригача миқдорда **ЖАРИМА**

Ер участкаларидан ҳужжатларсиз ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланиш ер *солигининг суммасига эквивалент миқдорда* жарима солинишига сабаб бўлади:

- ❖ жисмоний шахсларга – *1,5 баравар* миқдорда жарима;
- ❖ юридик шахсларга – *2 баравар* миқдорда жарима.

## БУГУНДАН БОШЛАБ ЭЪТИБОР БЕРИНГ!



**ЖАРИМА ТЎЛАШНИ ИСТАМАСАНГИЗ,**



→	Корхонада муқим бухгалтерия тизимини	Ташкил этинг
→	Корхона бухгалтерининг ишга бўлган масъулиятини	Оширинг
→	Жаримага тортилишига сабаб бўладиган ҳар бир ҳолат бўйича корхонангиздаги аҳволни	Бугуноқ ўрганиб чиқинг
→	Хорижий валютада ҳисоб-китобларнинг қонун доирасида амалга оширилишини	Қатъий назоратга олинг
→	Менталитетимизда мавжуд бўлган “Кўл ҳақи” тушунчасидан воз кечинг, мавжуд қонунчилик “Кўл ҳақи” тушунчасини тан олмайди, аксинча	“Пора” деб талқин этади (жиний жавобгарликка тортилишдан огоҳ бўлинг)
→	Қонунга хилоф эканлигини била туриб, ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда <b>пора олиш ёки бериш</b>	Жиний жавобгарликка сабаб бўлади



Корхона молия – хўжалик фаолиятини юритиш бўйича саволларингиз бўлса, Савдо-саноат палатасига маслаҳат олиш учун қўнғироқ қилинг.

Телефон: +998 71 239-42-99 – Молия бўлими  
+998 71 150-60-06 – “Call-center” Маслаҳат Маркази  
Факс: +998 71 232-09-03  
Электрон почта: info@chamber.uz  
Веб-сайт: www.chamber.uz



## ХУРМАТЛИ ТАДБИРКОР!

Текширувларга тайёргарлик кўриш, уларни ўтказиш ҳамда текширувдан кейинги амалга ошириладиган жараёнлар тўғрисида янада батафсилроқ маълумотларга эга бўлиш учун Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармалари ёки [www.chamber.uz](http://www.chamber.uz) сайти орқали куйидаги қўлланмаларга ҳам эга бўлишингизни ҳамда хизмат фаолиятингизда фойдаланишингизни тавсия қиламиз:

“Текширишлар:  
А дан Я гача”



“Тадбиркорлик субъектларининг  
фаолиятини текшириш ҳақида  
нималарни билиш зарур?”



Шу билан бирга, кўплаб тадбиркорлар Интернет имкониятидан доимий равишда фойдаланмасликларини инобатга олиб, колаверса, улар ҳар куни фойдаланаётган уяли телефондан фақат сўзлашиш мақсадида эмас, балки **“Тезкор маълумотлар базаси”** тарзида ҳам иш фаолиятида фойдаланишларига эришиш мақсадида **“UzSAT”** дастурий маҳсулоти ишлаб чиқилди.



**“UzSAT”** дастурий маҳсулотининг афзаллиги – дастур уяли телефонга ўрнатилгач, тадбиркор уяли телефони орқали унда қачон режали текширув тайинланганлиги, текширув қайси назорат органлари томонидан ўтказилиши, текширувчи келганда қандай хатти-ҳаракатларни амалга ошириши, текширувчидан қандай ҳужжатларни талаб қилиши лозимлиги, шу билан бирга келтирилган **“Ишонч телефонлари”** орқали қайси идораларга мурожаат этиши мумкинлигини билиб олади.

*Сиз уяли телефонингизга **“UzSAT”** дастурини ўрнатмоқчи бўлсангиз, марҳамат қилиб, Савдо-саноат палатасининг жойлардаги ҳудудий тузилмаларига мурожаат қилинг, ходимлар уяли телефонингизга дастурни бепул ўрнатади ва ишлатиш юзасидан тегишли тўшунтиришлар беради.*

*[www.chamber.uz](http://www.chamber.uz): [www.smst.uz](http://www.smst.uz)*

*+998 71 150-60-06 - “Call-center” Маслаҳат Маркази*

*+998 71 233-24-01 - “SSP-Marjoqand” унитар корхонаси*

**Назорат килувчи органлар томонидан ўтказилаётган  
текширувларнинг қонунийлиги юзасидан шубҳангиз  
бўлса ёки Сизнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларингиз  
бузилганда қуйидаги “ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ”  
рақамларига қўнғирок қилинг**

№	Ташкилот номи	Телефон рақами	Расмий сайти
1.	Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси	(+998 71) 150-60-06	www.chamber.uz
2.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	(+998 71) 232-43-91 (+998 71) 232-45-40	www.prokuratura.uz
3.	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги	1008	www.minjust.uz
4.	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси	(+998) (71) 244-98-98	www.soliq.uz

**Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги  
Тадбиркорлик субъектлари мурожаатлари ва  
фаолиятини текширишни мониторинг қилиш Маркази  
ҳодимлари телефонлари:  
+998 71 232-09-07**

Масъуллик ҳудуди	Телефон рақами
Қорақалпоғистон Республикасидаги ходим	(+998 93) 555-23-01
Андижон вилоятидаги ходим	(+998 93) 555-23-02
Бухоро вилоятидаги ходим	(+998 93) 555-23-03
Жиззах вилоятидаги ходим	(+998 93) 555-23-04
Қашқадарё вилоятидаги ходим	(+998 93) 555-23-05
Навоий вилоятидаги ходим	(+998 93) 555-23-06
Наманган вилоятидаги ходим	(+998 93) 555-23-07
Самарканд вилоятидаги ходим	(+998 93) 555-23-08
Сурхондарё вилоятидаги ходим	(+998 93) 555-23-09
Сирдарё вилоятидаги ходим	(+998 93) 555-23-10
Тошкент вилоятидаги ходим	(+998 93) 555-23-11
Фарғона вилоятидаги ходим	(+998 93) 555-23-12
Хоразм вилоятидаги ходим	(+998 93) 555-23-13
Тошкент шаҳридаги ходим	(+998 93) 555-23-14

**НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ТОМОНИДАН  
ТЕКШИРУВ ЎТКАЗИШ ЖАРАЁНИ:  
ТАДБИРКОР ҲУҚУҚ  
ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

Тошкент — «NORMA» — 2013

Чиқариш учун масъул *М. Мелибоев*  
Муҳаррир *Ф. Қурбонбоев*  
Мусаххих *З. Раҳимбекова*  
Компьютерда саҳифаловчи ва бадий муҳаррир  
*А. Мирзамухамедов*

10.05.2011 йилдаги АИ № 188 лицензия. 2013 й. 17 июнда теришга берилди. Оригинал-макетдан 2013 й. 17 июлда босишга рухсат этилди. Бичими 84 x 108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Гарнитура «Times». Офсет босма. Газета қоғози. Шартли 1,75 б. т. Нашр. ҳисоб. т. х. 2,0. Адади 800 нусха. Бюджетта № 1083.

«NORMA» МЧЖ, Тошкент ш., Таллимаржон кўч., 1/1.

«TOPPRINT» МЧЖ босмаҳонасида босилди.  
Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1.